

ПЕДАГОГИК ОТМЛАРДА ТАЛАБАЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДА АКСИОЛОГИК ОРИЕНТИР

**Ш.Қ. Мардонов,
ЎзПФИТИ, п.ф.д., профессор**

Бугунги кунда таълимнинг ривожланишида етакчи тенденция - бу кадриятлар парадигмасига ўтишдир. Бу педагогик фикрларнинг бир томонлама функционал таълимдан универсал кадрият сифатида яхлит таълимга ўтишдир.

Олий таълимда кадриятли ориентир олиш муаммоси билан фаол ишлаётганлар: А.М. Булынин, Б.З. Вульффов, Ж.Т. Туленов, М.Я. Виленский, Б.С. Гершунский, И.Ф. Исаев, Қ. Назаров, А.И. Мищенко, Ш.Қ. Мардонов, Н.Д. Никандров, В.А. Слостенин, Э.Юсупов, Е.Н. Шиянов кабиларни кўрсатиш мумкин. Улар томонидан олий педагогик мактабнинг замонавий таълим жараёнидаги аксиологиянинг устувор томонлари аниқланган ва улар замонавий амалиётда асос сифатида қўлланилиб келинмоқда.

Педагогик таълимнинг гуманистик парадигмаси педагогик фаолиятнинг гуманистик табиати ва моҳияти билан белгиланади. Бу фаолиятнинг гуманистик кадриятлари ўқитувчи учун доимий мўлжалдир. Улар англаш жараёнида борлиқ ва идеал, чинакамлик ва муносиблик даражасини ёки фарқини белгилаб боради ҳамда бу фракларни енгиб ўтишга тайёрлигини, фуқаролик позициясини, ўқитувчининг ҳаётидаги муҳим томонларини амлга ошишига замин тайёрлайди.

В.А. Слостениннинг таъкидлашича, “узлуксиз таълим тизимида ўқитувчиларни тайёрлаш қатор гуманистик ва аксиологик ғоялар асосида курилади, шунингдек, ХХІ аср педагогини тайёрлаш мазмунига педагогик таълимнинг гуманистик парадигмасини киритиш лозим, чунки у умуминсоний кадриятлар, янги ижтимоий маданий борлиққа антропологик ёндашувни тақозо қилади” [2, с. 7].

В.А. Слостенин замонавий таълимнинг гуманистик табиати муҳокамасида педагогик фаолият кадриятлари, дея “унинг шундай хусусиятларини, яъни ўқитувчининг моддий ва рухий талабаларини қаноатлантирувчи ва унинг жамоавий моҳиятли гуманистик мақсадларига эриштирувчи ижтимоий ва касбий фаоллигини оширишга мўлжал бўлиб хизмат қилади” [2, с. 3].

Шахснинг характерли эҳтиёжларига асосланган ҳолда олим педагогик фаолиятнинг қуйидаги гуруҳларини кўрсатади:

жамиятда тан олинган, ижтимоий муҳит билан боғлиқ кадриятлар (ўқитувчининг ижтимоий моҳиятли меҳнати, ўқитувчининг касбий фаолияти нуфузи, қариндошлар, яқинлар, танишларнинг тан олиши ва б.);

мулоқот эҳтиёжларини қаноатлантириш билан боғлиқ кадриятлар (болалар билан доимий ишлаш, болалар муҳаббати ва улар билан боғланиб қолишлик, қизиқарли одамлар, ота-оналар, ҳамкасблар билан мулоқотда бўлиш имконияти ҳамда маънавий кадриятлар билан алмашинуви ва б.);

Ўзини ўзи такомиллаштириш билан боғлиқ кадриятлар (ижодий қобилиятларини ривожлантириш имконияти, маънавий маданият билан алоқада бўлиш, ўзи яхши кўрган иш, предмет билан шуғулланиш, доимий равишда ўз билимларини ошириб бориш имконияти ва б.);

Ўзини намаён қилиш билан боғлиқ кадриятлар (ўқитувчи меҳнатининг ижодий характерга эгаллиги, педагогик фаолият романтикаси, тарбияси “оғир” болаларни қайта тарбиялаш имконияти, педагогик фаолиятининг шахс кизиқиш ва қобилиятларига мос келиш ва б.);

уталитар-прагматик талаблар билан боғлиқ кадриятлар (ўзини кўрсатиш имконияти, шахслараро мулоқот, касбий улғайиш, касбий олдинга силжиш, таътилнинг катталиги ва б.) [2, с. 3].

В.А. Сластенин илмий мактаби тарафдорлари кадриятларни касбий педагогик кадриятлар, дея, уларни қуйидаги гуруҳларга ажратадилар: “мақсад-кадриятлар; восита-кадриятлар; муносабат-кадриятлар; билим-кадриятлар; сифат-кадриятлар” ва уларнинг горизонтал тексилиқда ётиши ва вертикал текислиқдаги кадриятлар: ижтимоий-педагогик, касбий-гуруҳли ва индивидуал-шахсий сифатида қарайдилар. Улар бир нарсада ҳақлар, яъни “педагогик кадриятларни ташкил қилган гуруҳлар тизим, мазмунли асос, касбий-педагогик мадания стержени сифатида бирлашадилар” [2, с. 65].

В.А. Сластениннинг фикрига кўра, “ўқитувчининг онгида муҳирланиб қолган педагогик кадриятлар тизим сифатида унинг болалар ва катталар билан мулоқотида касбий-кадриятли ориентир ҳамда касбий фаолиятида ижод, бола шахсини ривожлантириш ва касбий ҳамкорлик, маънавий кадриятлар билан алмашинув бўлиб хизмат қилади” [2, с. 4].

Ўтган асрнинг 80-йилларидан бошланган юқорида кўрсатилган ижтимоий-сиёсий жараёнлар таълим ва тарбияда гуманистик кадриятларнинг тикланиш ва бойишининг янги босқичи бўлди. Унинг вакиллари сифатида “педагогика ва ҳамкорлик” платформасида бирлашган ижодий фаолият юритаётган (Ш.А. Амонашвили, Е.Н. Ильин, С.Н. Лысенкова, В.Ф. Шаталов ва б.) ўқитувчилар бўлдилар.

80-йиллар охири ва 90-йиллар бошида ўзгарган вазиятларда кўпгина педагогик қарашлар, позициялар, ҳолатларни қайта кўриб чиқишни тақозо қилади. Педагогикадаги янги йўналишлар тез орада ўзининг тарафдорларини ҳам белгилаб олди. Ҳар томонлама педагог-новаторлар - Ш.А. Амонашвили, Е.И. Ильин, В.Ф. Шаталов, С.Л. Лысенкова, И.П. Волков ва б., ҳаракати бошланди [3, с.30]. Уларнинг педагогик фаолияти ўқув фаолиятида тарбиячи ва тарбияланувчининг самарали ўзаро ҳаракатлари имкониятлари борлигини тасдиқлаб берди.

Педагог-новаторлар ўзарининг умумий концепциясида ўқувчи ўқув жараёни субъекти эканлиги, гуманистик установкалар зарурлигини кўрсатиб бердилар.

Бўлажак ўқитувчилар педагогик онгидаги турли тўсиқларни камайитириш мақсадида етакчи, илғор ўқитувчиларнинг шахсий намунасида кенг фойдаланилди.

Албатта, педагогик таълимнинг замонавий тизимида аксиологик

ориентир ўз ифодасини топиши керак. Буни таълим тарихида ўз ифодасини топган етакчи аксиологик ғоя “Педагогик фаолиятда аксиология ва инноватика” махсус курсини ўқитиш тажрибаси ҳам тасдиқлайди.

Махсус курснинг ҳар бир мавзуси мустақил ижодий иш ёзиш билан яқунланади. Топшириқни бажариш учун материалларни индивидуал (библиографик, информатсион, диагностик, илмий-тадқиқот) изланишни тақозо қилади.

Муҳокама, баҳслашув, диалог - фактлар, ҳодисалар, дастурлар, моделлар, технологияларнинг турли ёндашув ёки янги парадигма нуқтаи назаридан “муносабатларини кўрсатиш”ни тақозо қилади.

Замонавий ёндашувларни қўллаш талабаларга, шахсга гуманистик ёндашувнинг моҳиятини тушуниш, унинг шахсий ривожланишдаги роли, демократик ташкиллаштирилган педагогик жараёнда ўқувчи шахси диагностикаси ва прогностикасининг муҳимлигини тушуниб етиш имконини берди.

Олиб борган ишларимиз педагогика назарияси ва тарихи курсини сезиларли даражада тўлдирди ҳамда талабаларнинг умумпедагогик ва фалсафий билимларини чуқурлаштириш ва кенгайтиришга хизмат қилди.

Педагогик билимлар билан қуролланган талаба таълим тизимининг ривожланиш қонуниятларини ангалб етади, улар нафақат тарихий-педагогик назариядан ва тизимдан, балки таълим ва тарбиянинг замонавий инновацион йўналишларидан ҳам тўғри мўлжал оладилар.

Талабалар педагогик кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш - бу жуда мураккаб жараён бўлиб, у психологик-педагогик циклдаги предметлар ва гуманитар фанларнинг биргаликдаги интеграцион ҳаракатлари орқали таъминланади.

Фактлар тўғрисидаги педагогик билимлар барча бошқа билимлар асоси бўлиб саналади, чунки улар реал борликни тўғридан-тўғри ифодалайди. Фактларни билмасдан қонунлар, назарияларни, яъни фактлар орасидаги ҳақиқий боғлиқликларни англаш мумкин эмас. Қонунлар муҳим алоқаларни ифодалайди.

Аксиологик билимлар – бу керакли базис, талабаларда қадриятли муносабатларни ривожлантирувчи фундаментал асос бўлиб, уларсиз педагогларнинг илмий дунёқарашларини шакллантириш жараёнини амалга ошириб бўлмайди, замонавий ўқитувчи томонидан информатсион оқимни ўзлаштириш мумкин эмас, шунингдек, инновацияларни шахсий мўлжаллаб ҳам бўлмайди.

Аксиологик ориентирнинг ўзига хослиги (келгусида ривожланишнинг юқори пағанаси сифатида – назарий педагогиканинг ўзига хос ишончи) унинг илмий тизимли билимлардан тобелигида кўринади.

Бундай ишнинг муҳимлиги, назаримизда, педагогик соҳа талабалари, бўлажак ўқитувчиларни ўқитувчи тарбиялайди, болаларни ўқитишга ўргатади, шу тариқа уларни ҳаётга тайёрлайди ҳамда келажак маънавий қадриятлари асосларини яратади.

Ўқитувчининг касбий тайёргарлигига аксиологик ёндашувни К.Д.

Ушинский концептуал асослаган – “агарда педагогика инсонни ҳар жиҳатдан тарбиялашни хоҳлар экан, унда у инсонни ҳар жиҳатидан билиши ҳам керак” [4, с. 24].

XX аср давомида олий педагогик таълимда катта ҳамжмдаги муҳим гуманистик характердаги ғоялар, концепциялар, кадриятлар тўпланди, улар мамалакатимиз ва хорижий анъанавий педагогик таълимда илгаридан бўлган ҳамда аксиологик асосини ташкил қилади.

Замонавий таълим муҳити билимларнинг ишончга, яхлит ривожланишига ўтишни ҳамда илмий билимлар алоҳида аксиологик ориентирларнинг ривожланишини тақозо қилади. Бундай ҳолатда педагогик билимлар талабалар аксиологик йўналишининг асоси сифатида қўйилиши мумкин.

Юқорида таъкидланганлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, янги типдаги ишбилармон, компетентли, бозоргир ўқитувчини шакллантириш жамиятдаги кадриятлар тизимини инсонпарварлаштиришсиз ва демократизациялашсиз ҳамда педагогика фанининг аксиологик тавсифий хусусиятларини ҳисобга олмасдан тасаввур қилиш қийин.

Адабиётлар:

1. Павлютенков Е.М. Профессиональная диагностика и практикум по профдиагностике. -Комсомольск-на-Амуре, ч.1. 1990. – 99 с.
2. Слостенин В.А. Гуманистическая парадигма педагогического образования. //Магистр. 1994. №6. С. 3
3. Исаев И.Ф. Теория и практика формирования профессионально-педагогической культуры преподавателя высшей школы. М., 1993 С. 65.
4. Ушинский К.Д. Собрание сочинений. -Л., Т.8. С. 24.
5. Мардонов Ш.Қ. Янги таълимий кадриятлар асосида педагогик кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш. -Тошкент: Фан, 2006. -232 б.
6. Мардонов Ш.Қ. ва б. Педагогик аксиология. –Т.: Фан ва технология, 2008. -184 б.